Ушбу сонда:
2 «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ СОҲИБЛАРИ
3 TV - ДАСТУРИ
4 Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига КЕШ ОСМОНИДА ҲУМО ҚУШ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ ВАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 сентябр, жума №151 (1368)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛИТВАГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус таклифига биноан шу йил 23-25 сентябр кунлари расмий ташриф билан Литвада меҳмон бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон-Литва муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама этиш ҳамда қатор муҳим икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўтган бир йил мобайнида Ўзбекистон билан Қўшма Штатлар ўртасидаги ҳамкорлик яна ҳам мустаҳкамланди, чунки биз дунёни терроризмдан халос қилиш йўлида бирга ишламоқдамиз. Кўрсатаётган мададингиз учун мен билан бирга Америка халқи Сизга ва Ўзбекистон халқига ўзимизнинг якдил миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Қўшма Штатлар ўтган йилнинг 11 сентябрида тўғридан-тўғри ҳужумга дучор бўлди, аммо терроризм бутун халқаро ҳамжамиятга хавф солмоқда ва бутун дунё аҳлининг осойишта, эмин-эркин ва фаровон ҳаёт кечиришга бўлган иштиёқига путур етказмоқда. Бизлар ўз мардлигимиз ва сабот-матонатимиз билан ғалабага эришамиз.

Ўзбекистон тинчликдан иборат муҳим йўлни танлаб олди. Биз ўз инсонларининг қадрига етадиган ҳамда уларга эркин истиқболни таъминлаб, комил ишонч бахш этадиган дунёни барпо этмоқ учун биргаликда ҳамкорлик қилаверамиз.

Самимий эҳтиром ила,

Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти



Каттабоғ қишлоғида қурилиб, фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик пунктини бунёд этиш учун атиги беш ой вақт сарфланди. Бу ерда қурилиш ишларини «Қоратоғ» таъмирлаш корхонаси бунёдкорлари амалга оширишди. Айни чоғда 2600 нафар қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган мазкур даволаш масканида малакали тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тиббий хизматнинг барча тури мавжуд. Энг муҳими аҳоли узоқ йўл юриб туман марказига қатнашдан холи бўлди.

Суратларда: қишлоқ врачлик пунктининг умумий кўриниши.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ОҚСОҚОЛЛАР ТАНЛОВИ

Фарғонада Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан вилоят ҳокимлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, «Нуроний» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорликда «Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда фаол иштирок этаётган зиёли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказди.

Аҳоли ўртасида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, тотувликни мустаҳкамлаш, бу борадаги азалий қадриятлар ва анъаналарни жорий этиш, ободончилик ишларини ташкил этишда маҳалла оқсоқолининг ўрни беқиёс. Бунда жойларда тўпланган амалий иш тажрибаларини оммалаштириш, оқсоқолларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида ўтказилган тадбирда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичида ғолиб чиққан 20 нафарга яқин оқсоқол иштирок этди. Улар маҳаллада ободончилик ишларини ташкил этиш, тинчлик, осойишталик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш борасидаги саккиз шарт бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

(ЎзА).

Биздан озод ва обод Ватан қолсин

БУ БИНОЛАР

қайси ҳоким даврида қурилган?

Қўрғонтепа туманига хориждан меҳмонлар келишди. Улар бир-биридан шинам, ўзига хос услубда қурилган бинолар, гулзорлар, гузарларни кўриб ҳайратланишди. Кимдир:

— Бу кўркам бинолар қайси ҳоким даврида қурилган, — дея сўрабсуриштирди.

Туман кишилари хайрли ишларга бош-қош бўлаётган, ташаббуслар билан майдонга чиқаётган раҳбару мутахассислар, тадбиркорлар номини фахр билан тилга олишди. Ҳа, халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар бесамар кетмайди, ҳеч қачон унутилмайди.

Тадбиркор бойиса, кўпга нафи тегади. Яқинда Қўрғонтепа қишлоғидаги «Ғофур ота» хусусий фирмаси аъзолари галдаги савобли ишга бел боғладилар. Улар минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ қурилишига маблағ ўтказишга қарор қилишди. Ҳоким, ишбилармонлар бу ердаги маиший бинолар замон талаби даражасида бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Мутасаддилар баъзан эрта тонгда, гоҳида эса ярим кечада бўлсин ободончилик штаби аъзолари билан фикрлашиб, бунёдкорлик ишларини жонлантириш пайида бўлишяпти.

Агар ҳар бир инсон ўз маҳалласи, хўжалиги, қолаверса, туман ҳудудини ободонлаштиришга озгина бўлса-да ҳисса қўшса, кўп нарсага эришиш мумкин. Қўрғонтепаликлар бунинг уддасидан чиқишяпти. Сўлим гўшага қадам ранжида қиларкансиз, анвойи гуллар чаманзорига дуч келасиз. Мушку анбар ҳиди кайфиятингизни кўтаради. Темир йўл бекатига боргунингизча гўзал манзара оғушида бўласиз. Сўнг Қўрғонтепа маданият ва истироҳат боғи бошланади. Қувнаб ўйнаётган болакайлар овози ён-атрофни тутган. Соя-салқин хиёбонларда, фавворалар атрофида сайр қилишнинг гашти ўзгача. Барча шароит яратилган чойхоналарда эса отахонлар давра қуришган.

Ҳокимлик биноси қаторидаги мустақиллик кунида ишга туширилган агросуғурта, молия бўлими бинолари, 300 ўринли касб-ҳунар коллежи савлат тўкиб турибди. Аҳоли талаби асосида марказий касалхонага қўшимча равишда 60 ўринли шошилинч тиббий ёрдам мажмуаси бунёд этилди. Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидек, тажрибали мутахассислар, нуронийлар бош бўлаётганлиги сабабли ободончилик дастури асосида белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 30 сотих майдонга эга бўлган ажойиб гузарнинг иш бошлаши барчани қувонтириб юборди. Бу ерда 45 та савдо дўкони мавжуд. Хайрли иш шарофати билан 50 нафар киши муқим ишли бўлди.

«Дўстлик» ширкат хўжалиги кишилари собиқ шўро даврида, 70 йилдан ортиқ вақт ичида муаммолар билан курашиб яшадилар. Боиси, каттагина ҳудудда кўримсизгина мактаб ва боғчадан бошқа ҳеч ваҳо бўлмаган. Одамлар қумғонда чой қайнатиб, ариқ сувидан фойдаланишган. Боз устига уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш, соч-соқол олдириш учун туман марказига боришга мажбур бўлишган. Мустақиллик шарофати туфайли қишлоқлар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ана энди замонавий услубда қурилган маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаси мавжуд. Унинг таркибида пойабзал тузатиш устахоналари, тикувчилик цехи, савдо дўконлари, дорихона, гўшт дўконларигача бор.

«Деҳқончек» қишлоғи шаҳардан қолишмайди. Мевали ва манзарали дарахтлар, турфа гуллар кўрку тароват бағишлайди. Оқшомлари маданият саройида мусиқа садолари янграб туради. Ёшларнинг никоҳ тўйлари, турли кечалар шу ерда ўтказилмоқда. Спорт ишқибозлари ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Қодиржон Умаровдан миннатдор. Сабаби, раиснинг ташаббуси билан стадион ёнида теннис, волейбол, баскетбол ва кураш майдонлари қурилди.

Қўрғонтепада «Таълим ҳақидаги қонун» ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам изчил амалга оширилмоқда. Белгиланган тадбирларга кўра маҳобатли 640 ўринли мактаб биноси қишлоқ кўркига кўрк қўшди. Ёз ойида ўтказилган Ўзбекистон ўқувчи ёшларининг халқаро футбол мусобақаси барчанинг ёдида қолди. Қизғин беллашувларни хорижлик меҳмонлар ҳам томоша қилдилар. Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. «Деҳқончек», «Дардоқ» қишлоқларида хўжаликлар мадади билан илм масканлари қурилмоқда, агроиқтисодиёт коллежи таъмирланмоқда.

Яқинда маданият ва истироҳат боғида табаррук инсонлар — уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар тўкин дастурхон атрофига таклиф этилдилар. Отахону онахонлар ёшларга шу доруломон кунлар қадрига етиш, мустақилликни мустаҳкамлашга шахсан ҳисса қўшишга чақирдилар.



Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯ БОҒИ БАРПО ЭТИЛДИ

Конституция - ҳаётимизнинг Бош қомуси. Унда илк бор мустақил мамлакатимиз фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари теран баён этилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш борасидаги Фармойишига биноан жойларда Бош Қонунимиз ҳар бир бандининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга жиддий эътибор берилаётир, турли тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилаётир.

Тошкент Давлат техника университети биносига кираверишдаги сўлим хиёбонда Конституция боғи барпо этилди.

Боғда Бош қомусимиз моддалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида безаклар билан уйғун ҳолда стендларда ўз аксини топган.

ХАЛҚАРО СИМФОНИК МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида учинчи Халқаро симфоник мусиқа фестивали очилди. Уни Бастакорлар уюшмаси, Ўзтелерадиокомпания, Маданият ишлари вазирлиги, Миллий симфоник оркестр, Ўзбекистон давлат консерваторияси ташкил этди.

Фестивал очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар, жумладан, мусиқа санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Шу йўналишда изланаётган истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти ва рағбатлантириляпти.

Юртимизда учинчи марта ўтказилаётган ушбу байрам жаҳон мусиқа санъати ихлосмандлари орасида ўзига хос нуфузга эга. Фестивалда АҚШ, Германия, Франция, Италия, Россия, Жанубий Корея, Туркия каби хорижий давлатлардан санъаткорлар қатнашаётир.

(ЎзА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТЕКШИРИШГА РОЗИЛИК БЕРИЛДИ

Ироқ раҳбарияти БМТ мутахассис-текширувчиларини ҳеч қандай шартларсиз ўз мамлакатига киритишга розилик берди. Ироқ ташқи ишлар вазири Наджи Сабрий куни кеча БМТ Бош котибига шу мазмундаги мактубни топширди. Эндиликда халқаро инспекторлар мазкур давлат ҳудудида ялпи қирғин воситаси — термоядровий қуролларни қидириш билан машғул бўладилар. Ироқнинг бундай тўхтамга келишига Араб Давлатлари Лигаси ҳамда Кофи Аннаннинг иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги баёнотлари таъсир кўрсатди, - деди Н.Сабрий.

АҚШ ЮНЕСКОГА ҚАЙТДИ

АҚШ юритаётган сиёсатда ижобий ўзгариш рўй берди. Эндиликда АҚШ ЮНЕСКО — БМТнинг маориф, фан ва маданият ишлари бўйича махсус ташкилотига аъзолигини қайта тиклайдиган бўлди. БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида сўзлаган нутқида мамлакат президенти Жорж Буш шу ҳақда маълум қилди. АҚШ 1984 йилда Роналд Рейган маъмурияти тазйиқи билан ЮНЕСКОдан чиқиб кетган эди.

АССАМБЛЕЯГА САЙЛОВЛАР

Ҳиндистоннинг Жамма ва Кашмир штатида қонун чиқариш ассамблеясига сайловлар бўлиб ўтди. Овоз бериш пайтида хавфсизликни таъминлаш учун қатъий чоралар кўрилди. Транспорт воситалари, келиб-кетувчилар, маҳаллий аҳоли жиддий назоратга олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки сайловларга тайёргарлик кўриш даврида ислом экстремистлари дастидан 440 дан зиёд киши қурбон бўлган эди.

ЖАВОБ БЕРИШИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Франциядa машҳур ёзувчи Мишел Уэллебек устидан суд жараёни ўтказилиши эълон қилинди. Бунга унинг мусулмонларни ҳақорат қилувчи чиқишлари сабаб бўлди. Бир неча ислом ташкилотлари адлия маҳкамаларига ёзувчини жавобгарликка тортиш тўғрисида талабномалар йўлладилар.

ТИЛ БИРИКТИРГАНЛИК ЖАЗОСИ

АҚШнинг Бостон шаҳрида Федерал Текширув Бюросининг собиқ ходими ўн йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди. Шундай нуфузли ташкилотда ишлаётганига қарамасдан, 60 яшар Жон Конноли ноқонуний хатти-ҳаракатларга қўл урган. У мафиячилар билан тил бириктириб, ўзининг идорасидаги сирлардан уларни воқиф этиб турган. Охирги марта Ж.Конноли мафиячилар — Балгер ва Флеммиларни амалга оширилиши кутилаётган ҳибсга олиш операцияларидан хабардор қилган экан.

НАВБАТДАГИ ХУРУЖ

Куни кеча Грозний шаҳрининг одамлар билан ҳамиша гавжум бўладиган Ғалаба майдонида чечен террорчилари навбатдаги хуружларини амалга оширдилар. Йўл четига кўмиб қўйилган «қўлбола» бомбанинг портлатилиши оқибатида 11 киши ҳалок бўлди, 20 дан зиёд одам қаттиқ жароҳатланди. 7-маршрутда қатнайдиган автобус белгиланган жойига келганида, портловчи «ажал машинаси» ишга туширилган.

«Ишонч» фош этади

Республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза этишга алоҳида эътибор қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, репродуктив саломатлик борасидаги фаолият барча ерда бирдек эмас. Буни Сирдарё вилоятининг Оолтин тумани мисолида кўриш мумкин.

ЮҚОРИДАН КЎРСАТМА КУТИШИБДИ...

Туманда 10.677 нафар туғруқ ёшидаги аёллар истиқомат қилишади. Аҳолининг қарийб тенг ярмини болалар ва камол топаётган ёшлар ташкил этади. Демак, ҳукумат қарори асосида амалга ошириладиган ишлар кўлами кенг. Хўш, тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланаяптими? Марказий шифохонада бўлганимизда, худди шу масалалар билан атрофлича қизиқдик.

Мухбир ташрифидан бош ҳаким Қодир Жўраев негадир саросимага тушди. Ҳозирча ишлар кўнгилдагидек эмаслигини қуйидагича изоҳлади:

— Соҳа ходимларини сафарбар этганмиз. Улар қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, ҳисобда турган туғруқ ёшидаги аёллар саломатлиги ҳақида қайғуришяпти. Қисқа вақт ичида кўп нарсага улгуришимиз керак...

Бош ҳаким бу сўзи билан фаолиятдан ўзи ҳам қониқмаётганлигини ошкор этди. Хижолатдан қутилиш учун қўшимча қилди:

— Очиғи, вилоятдан буйруқни кеча олдик. У қўлимизга текканига кўп вақт бўлгани йўқ.

Таажжубландик. Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган муҳим қарори шу йил январда эълон қилинган бўлса-ю, унинг ижросига шунча вақт ўтгандан кейин киришилаётган бўлса?! Ахир, собиқ чиркин тузумдан «мерос» қолган ниманидир кутиш, юқорининг буйруғига кўз тикиш каби иллатлардан дадил халос бўлиш давр талаби-ку! Бозор шароити имиллашни кечирмайди. Зеро, шароитдан келиб чиққан ҳолда дадил, омилкорлик кўрсатиб ишлаш, ички имкониятларни ишга солиш, муаммоларни жойида ҳал этишга эришиш ўз ўрнини топган, салоҳияти кучли раҳбарлар, мутахассисларга хос фазилат эмасми? Мазкур туман марказий шифохонасида эса ўзибўларчилик, боқимандалик кайфияти ҳамон ҳукм сурмоқда. Бунинг сабаблари сўраб-суриштирилса, бир дунё «узрли» томонларини рўкач қилишади.

Бош шифокор бизга тутқазган ҳужжатга кўз югуртирамиз. Сирдарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2002 йил 4 март санаси битилган 77-сонли буйруғи 35 чақиримлик масофага роппа-роса олти ойда етиб келибди...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Маҳалланг — отанг, онанг!

ЯРАШТИРУВ КОМИССИЯСИ

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги асосий вазифалардан бири марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тизилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига боскичма-боскич ўтказа боришни таъминлашдан иборатдир. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Олий Мажлис тўқкизинчи сессиясидаги маърузасида яна бир бор уктириб ўтди.

Бу борада саноат шаҳри бўлмиш Олмаликда ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳардаги 39 мингта хонадонда 115 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Шу ўринда Охунбобоев маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарифа Юсуфалиева фаолияти ҳақида тўхталиш жоиз. У фаоллар билан ўзига тегишли ҳудуддаги кишиларнинг яшаш шароити, орзу-интилишлари ҳамда ўзига хос муаммоларини яхши билади. Ташкилотчилик ишларига қарияларни кўпроқ жалб этиб, ўзаро талабчанлик муҳитини мустаҳкам қарор топтирди. Бирон киши ножўя ҳаракат қилса ёки оилада аҳиллик йўқолса маҳалла фаоллари дарров ёрдамга келишади. Ёшларга эътибор кучайганлиги, тарғибот ишларининг шарофати ила сўнгги вақтларда кўнгилсиз ҳолатлар учрамаяпти.

Шаҳар аҳли 41 та маҳаллага бириккан. Ҳар бири ўз идораси, тиббиёт хонаси, посбонларига эга. Яқиндан бошлаб маҳаллалар ҳудудида 15 та милиция таянч пункти иш бошлади. Янгиликлардан яна бири педагогик тарбиячи лавозими ташкил этилганлигидир. Одамлар билан мулоқот чоғида улар яраштирув комиссияси фаолиятидан қониқиш ҳосил қилишаётганини таъкидлашди. Олмаликда ёш оилалар жуда кўп. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Баъзилар бозор қийинчиликларини енголмай кутилмаган муаммоларга дуч келмоқда. Айрим ёшлар ҳаётда ҳали ўз ўринларини топа олмаганликлари ҳам оила муҳитига, эр-хотин ўртасидаги муомала-муносабатга салбий таъсир ўтказмоқда. Бундай шароитда яраштирув комиссияси аъзолари келишмовчилик юзага келган хонадондаги муҳит, одамларнинг феъл-атвори каби муҳим жиҳатларни синчиклаб ўрганадилар. Лозим бўлса ёшларни ишга жойлаштиришади. Хуллас, икки ёш баҳамжиҳат яшаб кетиши учун барча омиллар ишга солинмоқда. Етти кишидан иборат комиссия аъзолари қанчадан-қанча оилани қўйди-чиқди бўлишдан сақлаб қолишди.

Қувончлиси шуки, қатор маҳалла оқсоқоллари ажойиб ташаббуслар билан майдонга чиқишмоқда. Жумладан, Усмон Носир маҳалла фуқаролар йиғини раиси Махмуджон Ғофуров гузар, мактаб қурилишига бош-қош бўлди. Барча кўчалар тўла газлаштирилди. Моҳир ташкилотчи Иқбол Тугалбоева эса эски стадионни таъмирлаб, ёшларнинг севимли масканига айлантиришга эришди. Турон ака Холменов эса ажойиб маданий-маиший, савдо шохобчалари қурилишига сабабчи бўлди. Абдурашид Турсунқулов бош бўлган масканда амбулатория ишга тушди, учта мактаб ҳомийлар ёрдамида таъмирланди. Чиқиндихона бўлиб ётган майдон ҳашар йўли билан тартибга келтирилди, минг туп терак ўтказилди.

Олмалиқ шаҳри маҳаллаларида спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Апрел ойи ҳамда октябрнинг охирларида спортнинг беш тури бўйича қизиқарли мусобақалар ўтказиш анъанага айланган. Энг муҳими маҳалланг — отанг, онанг, деган сўзлар нақадар тўғрилигини олмаликликлар ўз ҳаётлари мисолида чуқур ҳис қилишмоқда.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ромитон туманидаги «Гулилола» болалар боғчасининг биноси кўпдан буён бўш турарди. Ниҳоят, у республика кўчмас мулк биржаси Бухоро вилоят филиалида танлов савдосига қўйилди. Объектга бир нечта талабгор чикди.

«ГУЛИЛОЛА» ТАНЛОВДА СОТИЛДИ

Лекин бошқа бинолардан фарқли ўлароқ, бу мулкка даъвогарнинг ҳамёни ўзгаларникидан бақувватроқ бўлишигина эмас, балки ижтимоий аҳамиятга молик объектни харид қилувчи муайян муддатгача асосий фаолият йўналишида фойдаланиш шартларини бажаришни ўз зиммасига олиши талаб қилинарди. «Гулилола»ни 4,5 миллион сўмга харид қилган сармоядор унда болалар боғчасини ташкил этиш мажбуриятини олди.

Республика кўчмас мулк биржаси Бухоро вилоят филиали орқали мулкдор бўлаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Кейинги ўн кунда ўтказилган танлов, биржа ва кимошди савдоларида 52 та объект 26,7 миллион сўмга сотилди.

(ЎзА).

«Дўстлик» ордени соҳиблари

ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

Унинг ихтисослиги иқтисодчи. Бир сўмни қаердан олиб қаерга сарфлашни яхши билади. Ҳал қилувчи бўғинларда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, тежамкорликни кучайтиришга ҳаракат қилади. Ушбу фазилати қатори қатъиятлиги, чўл шароитини яхши билиши қийинчиликларни енгиш, муаммоларни вақтида ҳал этишда асқотмоқда.

Олти йил муқаддам раҳбар сифатида фаолият юрита бошлаганида хўжаликнинг қарзи 180 миллион сўмни ташкил этарди. Боз устига деҳқонларда ишонч, иштиёқ сезилмасди, ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганди. Энг яхши мутахассислар, тажрибакорлар бошқа хўжаликларга ишга ўтиб кетишгани янги раҳбарни жиддий ўйлантирди.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Абай Мавлонов билан дўппини ерга қўйиб, қолоқликка барҳам бериш омиллари ҳақида узоқ бош қотиришди. Фикр бир жойдан чиқди: одамлар кўнглини кўтариш, қулай шароитлар яратиш, моддий манфаатдорликни таъминлаш лозим. Бусиз иш юришмайди.

Ширкат раҳбари кўпга суянди. Муҳим қарорлар қабул қилиш олдидан мутахассислар, фахрийлар билан фикрлашди. Шу тариқа одамлар қалбига йўл топди. Вақт ўтиши билан хўжалик керакли техникага, ишчи кучига эга бўлди. Чўлқуварлар бағри кенг, меҳнатсевар, ташаббускор раҳбарга ишониб хайрли ишларга бел боғладилар. Натижада биринчи йилиёқ деҳқончиликда бурилиш ясалди. Хўжалик иқтисоди мустаҳкамлана борди. Одамлар қўли пул кўрди.

Бугунга келиб Мирзачўл туманидаги Абай номли ширкат хўжалигида ишлашни ихтиёр этганлар жуда кўп. Боиси рағбат ҳам, даромад ҳам меҳнатга яраша бўляпти. Ўтган йили бу ерда 30 миллион сўм соф фойда олинган эди. Жорий йилда эса биргина ғаллачиликда бу кўрсаткич 60 миллион сўмни ташкил этди. Ширкат хўжалиги раҳбари Абдуҳолиқ Бердибековнинг нияти ғаллачиликни давр талаби даражасида ривожлантиришга эришиш эди. Мақсад сари дадил қадам ташланди. Ҳосилдорлик гектарига 28 центнер ўрнига 36 центнерни ташкил этди. Рустам Зулфиқоров, Мамаражаб Қосимов кабилар етакчи бўлган пудратчи жамоалар 48 центнердан хирмон кўтардилар. Шартномада кўрсатилганидан ортиқча етиштирилган ғалла миришкорларга берилди. Фарзанди кўп, кам таъминланган оилаларга 150 — 200 килодан буғдой улашилди. Муваффақиятга эришишда хўжалик касаба уюшма қўмитаси амалга оширган тадбирлар муҳим рол ўйнади. 10 та дала шийпони чўлқувар оромгоҳига айлантирилган. Бу ерда мириқиб дам олиш, қизиқарли тадбирлар ўтказиш учун шароит мавжуд. Устахона ишловчилари махсус кийим-бош билан таъминланган. Икки йилдирки, касабақўм раиси ташаббуси билан йиғим-терим мавсумида кўчма шийпонлардан унумли фойдаланилмоқда. Улардаги ошхона, дорихона, маънавият бурчаги ғоятда қўл келмоқда.

— Чўл фидойилар маскани. Унинг шароитига ҳамма ҳам кўникавермайди, - дейди Абдуҳолиқ ака. — Бахтимиз шуки, 20 га яқин миллат ва элат вакиллари ҳамкору ҳамжиҳат ишлашмоқда. Бир-биримиз билан куда-кудағай бўлиб кетганмиз.

Хўжалик қўрғонида 728 та хонадон бўлиб, 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Хўжалик маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси уларнинг яхши яшашлари учун имкон қадар ҳаракат қилмоқда. Эндиликда тоза ичимлик суви, табиий газ ва бошқа зарур нарсалардан камчилик йўқ. Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига кўра республикамизнинг бир гуруҳ муносиб кишилари қатори Абай номли хўжалик раҳбари, моҳир ташкилотчи Абдуҳолиқ Бердибеков ҳаётида ҳам қувончли воқеа содир бўлди: кўксини «Дўстлик» ордени безади.

Юксак мукофот чўлқуварлар меҳнатига берилган муносиб баҳо эди. Шу боис барча ўзгача куч, ғайрат-шижоат билан далаларда меҳнат қилмоқда. Бу йил пахтанинг чўғи чакки эмас. Ният гектар ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиш, сахий далалардан юқори навли хомашё йиғиштириб олишдир.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

100 МИЛЛИОН ИҚТИСОД ҚИЛИНДИ

Бухоро вилояти Ғиждувон туманида замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган пахта тозалаш заводи ишга туширилди.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган, юқори самарадорликка эга ушбу корхона саккиз ой мобайнида қурилди. «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари ана шу қисқа вақт мобайнида кўп қаватли маъмурий ва маиший бинолар мажмуаси, ўнлаб цех, устахона ва омборларни барпо этди. Ғиждувонда янги пахта тозалаш заводи қуриш ҳаёт зарурати эди. Чунки ҳозирги кунга келиб аввалги заводнинг ишлаб чиқариш технологияси бир мунча эскирган, қолаверса, заводдан чиқадиган чанг кишилар ҳаёти учун зарарли эди.

Аввалги корхонага нисбатан ярим майдонни эгаллаган, қисқа технология асосида ишлайдиган завод қурилишига 2,5 миллиарддан кўпроқ маблағ сарфланди. Янги ўрнатилган тола ажратувчи, тола тозаловчи ва замонавий ускуналар иш унумдорлигининг ошишига имкон берди. Заводда аввалгига нисбатан йилига 100 миллион сўм иқтисод қилинади. Унинг 15 миллион сўми электр энергияси ҳисобидан тежаб қолинади.

«Туркистон-пресс»

Кейинги йилларда Чиноз туманидаги автомобил йўллари сезиларли даражада яхшиланди. Бунга туман автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида жамоа иштирокида 356 миллион 342 минг сўмлик иш бажарилди. Жорий таъмирлаш ишларининг қўлами эса 21 миллион 908 минг сўмликни ташкил этди.

Бирлашмада ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, 8313 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда. Йўлсозлар нафақат равон йўллар барпо этиш, балки ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам амалий ишларни бажараяптилар. Бу борада йўл ҳаракат хавфсизлиги ходимлари билан белгиланган режа асосида ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги ҳам ўзининг ижобий натижаларини бераётир.

Суратларда: йўлсозлар иш фаолиятидан лавҳалар.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БЕРИНГ

Саволингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: ***Хорижда, МДҲда ўқиб келган шахсларнинг дипломлари республикамиз ҳудудида ҳақиқий ҳисобланадими? Шу хусусда батафсил маълумот берсангиз.***

Г.БЕКЧОНОВА,
Гурлан тумани.

ЖАВОБ: Мазкур масала Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентликни қайд этиш» (нострификациялаш) Низоми билан тартибга солинади. Шу тартиб асосида Давлат тест маркази таркибидаги кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестация бошқармасининг нострификация бўлими ўз ишини бошлаган. Хорижий давлатлар ўқув юртини битирганлик ҳақида берилган дипломларни нострификациялаш (қайд этиш) учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак бўлади:

— ариза;

—маълумоти ҳақидаги ҳужжат (диплом)-нинг асли ва нусхаси;

— диплом иловасининг асли (ўтилган фанларнинг соати кўрсатилган бўлиши шарт) ва нусхаси;

— маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси;

— давлат тест маркази ҳисоб рақамига 15664 сўм ўтказилганлик ҳақидаги чипта;

— иш жойидан маълумотнома;

— паспортнинг нусхаси.

Ариза йўналишлар бўйича эксперт комиссияси томонидан бир ой ичида кўриб чиқилиб, тест имтиҳонлари қаерда ўтилиши ҳақида маълумот берилади. Тест имтиҳонлари 108 саволдан иборат бўлиб, 3 босқичга бўлинади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ҳақида, Ўзбекистон Республикаси тарихи ҳақида, Ўзбекистон иқтисоди ҳамда мутахассислиги бўйича саволлар бўлади.

БУЮРТМАЧИ ТАЛАБИ АСОСИДА

Пойтахтимиздаги «Орзу» акциядорлик жамияти ўз фаолиятини буюртмачилар талабини ўрганиш асосида ташкил этмоқда. Бунда махсулотнинг сифатига асосий эътибор қаратилаётир.

Айни пайтда бу ерда ўт ўчирувчилар, ҳарбийлар кийим-кечаклари, футбол тўпи, кураш яктаги каби ўнлаб турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари шу кунларда «Ўзкўргазмасавдо» мажмуида ўтказилаётган ярмаркада харидорларга ғоят манзур бўлмоқда.

- Мазкур ярмарканинг афзаллиги шундаки, биз харидор талаби ва истагини янада чуқурроқ ўрганиш имконига эга бўламиз,- дейди «Орзу» акциядорлик жамияти директори ўринбосари Раҳмат Шокиров. - Шу талабларни ўрганиб чиқиб, маҳсулот турларини янада кўпайтирамиз.

(ЎзА).

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Куз, айни пишикчилик. Ҳазрати деҳқон ғалвирни сувдан кўтармоқда. Далаю боғларни ораласангиз 2002 йил наманганликлар учун нисбатан баракали келганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Кузнинг ҳар дами олтинга тенг. Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни белгиланган муддатда саранжомлаб олиш учун барча ишчи кучи сафарбар этилган.

ЯХШИ ИШЛАШ УЧУН

яхши шароит зарур

Равшанки, ноз-неъмат бунёдкорларига етарли шарт-шароит яратилган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бунда дала шийпонларининг ўрни алоҳидадир. Биз Уйчи туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигининг Умархон Сайидвалиев бошлиқ жамоа пудратчилари ҳузурида бўлганимизда дала шийпонидаги шароит эътиборимизни тортди. Дов-дарахтлар билан ўралган, ён-атрофига гулу райҳонлар экилган оромгоҳ намунали жиҳозланган. Миришкорлар бўш вақтларини бу ерда мазмунли ўтказишади. Таъкидлашларича, жорий йил бошида Умархон ака яна бир хайрли ишга қўл урибди. Қир-адирлар бағридаги шийпон ёнида мўъжазгина амфитеатр барпо этилибди. Бу ерга вақти-вақти билан шоиру ёзувчилар, санъаткорлар ташриф буюриб, деҳқонларга кўтаринки руҳ ва мадад бағишлашмоқда.

Бундай илиқ гапларни инсон омилига катта эътибор берилаётган тумандаги Абдували Мўминов номли, Беруний номли, Навоий номли ширкат хўжаликлари раҳбару мутахассислари, касаба уюшма фаоллари шаънига ҳам айтиш мумкин.

Наманган вилояти ҳокимлиги касаба уюшма Кенгаши дала меҳнаткашларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида таркибида тажрибали шифокорлар, маданият ходимлари, касаба уюшма вакиллари бўлган гуруҳ тузди. Гуруҳ аъзолари туманлардаги хўжаликларда бўлиб, дала меҳнаткашларига яратилаётган шарт-шароитларни назардан ўтказдилар. Чуст, Чортоқ, Мингбулоқ туманларида бу борада камчиликлар борлиги эътироф этилди. Уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланиб, ижбўлган жамоадаги шийпонлар ўзининг кўркамлиги, жиҳозланганлиги билан барчага манзур бўлди. Илғорлар тажрибаси оммалаштирилмоқда. Бироқ, «Ўзбекистон», «Ижодкор» ширкат хўжаликларидаги муҳим ишга бўлган эътиборсизлик, ўзибўларчилик мутасаддиларни ранжитди. Деҳқон оромгоҳларининг кўпчилиги шип-шийдон эди. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаганлиги боис бажарилмай қоғозда қолган. Гуруҳ аъзолари тавсияси билан эндиликда далада ишлаётганларга шароитлар яратиш, меҳнатни муносиб равишда рағбатлантиришга оид аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Наманган туманига ташриф буюришганида «Хонобод», «Туркистон» ширкат хўжаликларининг уста деҳқонлари А.Абубакиров ҳамда Ж.Саримсоқовлар бош пудратчи роси назоратга олинди.

Гуруҳ аъзолари Наманган туманига ташриф буюришганида «Хонобод», «Туркистон» ширкат хўжаликларининг уста деҳқонлари А.Абубакиров ҳамда Ж.Саримсоқовлар бош пудратчи

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири.

TV дастури

23-29 сентябр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тандир, арча, олов».
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Улғайиш поғоналари».
13.05 «Қалдирғоч». Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Тиббиёт одимлари».
14.25 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
15.00 «Қалб гавҳари».
15.20 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
15.40 «Ит уяси». Телесериал премьераси.
16.25 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Навбаҳор», «Насаф» - «Самарқанд-Динамо».
18.10 «Мулк».
18.25 III Халқаро симфоник мусиқа фестивали кундалиги.
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.25 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
21.45 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
22.00 Фарғонада мустақиллик байрами.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси «Катта танаффус».
10.20 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 «Доктор Финли». Телесериал.
12.20 Давр-news.
12.35 Мутолаа.
12.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
13.45 Автосалтанат.
14.00 Кўҳна оҳанглар.
14.10 Болалар экрани: «Сеҳрланган бола».
14.55 Синфдош.
15.20 «Илонлар водийсининг касофати». Бадиий фильм.
16.55 Олов билан юзма-юз.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.
17.45 Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари: «Акаиро». Мультфильм.
18.05 Саломатлик сирлари.
18.25 Спорт хафтаномаси.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Белида белбоғи борлар. Ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат қўшиклари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Интерфутбол». Танаффус пайтида: 23.50 Давр.
00.55-1:00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сири». 1-қисм.
17.45, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 39-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Спорт ва болалар».
19.45 «Avto-news».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Мехридарё».
22.40 Кинонигоҳ. «Катта дўкон».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Каменская». Сериал.
21.25 «Ҳинд оҳанглари».
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.
ЎзТВ-IV
22.35 «Ўз-ўзига режиссёр».
23.20 Кинематограф. «У сизни севади». Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қоядаги расмлар», «Бор эканда йўқ экан».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Изтопар». Бадиий фильм.
11.45 «Кел, дўстлашайлик». Мультфильм.
11.55, 14.30, 16.50 ТВ анонс.
12.05 «Париси бор уй».
12.25. 14.55 ТВ клип.
12.30 «Кино оламида».
13.00 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
13.15 Фарғонада мустақиллик байрами.
14.10 «Сиёсат оламида».
14.35 «Талабалик йилларим».
15.05 «Ит уяси». Телесериал премьераси.
«Болалар сайёраси»:
15.50 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Қалқон».
18.50 «Куйла, ёшлигим».
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қолиқ ва биз».
21.20 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.50 «Ифтихор».
22.15 Эстрада тароналари.
«Спорт» дастури:
22.35 1. XIV Осиё ўйинлари олдидан. 2. «Футбол - менинг ҳаётим».
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.
9.45 «Акаиро». Мультфильм.
10.05 Бизнес-академия.
10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 Олов билан юзма-юз.
11.15 Жаҳон жуғрофияси.
12.05 ТВ-саёҳат.
12.25 «Доктор Финли». Телесериал.
13.15 Белида белбоғи борлар. Ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Кўҳна оҳанглар.
15.30 Ёшлар овози.
15.50 «Кин дза-дза». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати», «Кичкинтой театри».
17.30 «Мульттомоша».
17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.00 Ватан манзаралари.
18.20 Автопатруль.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.45 «Давр»-интервью.
20.00 «Бу менинг Ватаним» туркуми: Наманган вилояти. Видеофильм.
20.35 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Нокаут».
23.30 Давр.
23.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.10-00.15 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сири». 2-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 40-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Моҳир».
19.25 «Аёл қалби».
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Фантоци ҳаммага қарши».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Машҳурлар». Тамара Семина.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин». Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Каменская». Сериал.
21.25 «Нигоҳ».
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.
22.35 CFI тақдим этади: «Табиат саргузаштлари».
23.25 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
23.35 Кинематограф. «Шелма». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бойсун баҳори». Премьера.
9.30 «Нафосат гулшани».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Малина виноси». Бадиий фильм.
11.55, ТВ анонс.
12.05 «Баркамол авлод орзуси».
12.25 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
12.40 «Ғаройиб ҳамроҳлар». Теленовелла.
13.10 «Наврўз» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 «Шийпондаги учрашувлар».
15.10 «Ит уяси». Телесериал премьераси.
16.00 «Ягона оилада».
16.30 «Таянч нуқтаси».
16.50 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Табиат алифбоси». 2. «Болаликнинг мовий осмони».
18.10 «Ҳунарманд».
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.30 Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.00 III Халқаро симфоник-мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиши.
22.40 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
22.55 «Мувозанат».
23.15 «Ахборот -дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати», «Кичкинтой театри».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Доктор Финли». Телесериал.
13.10 Ватан манзаралари.
13.30 Кўҳна оҳанглар.
13.40 Болалар экрани: «Леопольднинг саргузаштлари».
14.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.20 Автопатруль.
15.40 «Кин дза-дза». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.45 ТВ-анонс.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Олтин калит».
17.30 «Мульттомоша».
17.45 Болажон.
18.00 Адолат сарҳади.
18.15 Чемпион сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спортлото.
20.10 Кўҳна оҳанглар.



20.15 Очил дастурхон.
20.30 Севги тароналари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сири». 3-қисм.
17.45, 19.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 41-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Ҳимоя».
19.40 «Бу сизга ёқади».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
23.00 Кинонигоҳ. «Лас-Вегас таътиллари».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Каменская». Сериал.
21.20 «Мусиқий серпантин».
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.
22.35 «Кулги хонаси».
23.20 «Икки рояль».
00.05 Кинематограф. «Тўртинчи қават». Бадиий фильм.
1.15 «Ахборот» (рус тилида)
1.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси».
9.00 «Болаликнинг мовий осмони».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Онегин». Бадиий фильм.
11.55, 12.25, 14.55 ТВ анонс.
12.05 «Йиллар ва йўллар.
12.30 «Фламинго». Кинокўрсатув.
12.50 III Халқаро симфоник мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиши.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Мувозанат».
14.30 Болалар учун. «Мактублар - кабутарлар».
15.00 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
15.15 «Ит уяси». Телесериал премьераси.
16.00 «Депутат».
16.20 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
16.45 «Китоб жавонингизга».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Болалар ва катталар».
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот: Атроф-муҳит мусаффолиги.
21.45 «Қўшиғимиз сизга армуғон». А. Дадаев.
22.15 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
22.30 «Саҳна ҳаёти».
22.50 «Йўл бошида».
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Олтин калит».
9.45 Болажон.
10.00 Тафаккур ёлқинлари.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Спорт-қитъаси (рус тилида)
11.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.45 Ракурс.
12.05 «Доктор Финли». Телесериал.
12.55 Ёшлар овози.
13.15 Кўҳна оҳанглар.
13.25 Интерфутбол.
15.05 Жар ёқасида.
15.25 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.50 Адолат сарҳади.
16.05 ТВ-анонс.
16.15 «Кичик боланинг катта ташвишлари». Бадиий фильм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.45 Табобат оламида.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Огоҳ.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 «Бу менинг Ватаним» туркуми: Сирдарё вилояти. Видеофильм.
20.35 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сири». 4-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 42-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навниҳол».
19.25 «Ёшлар ҳудуди».
19.50 ТТВда мусиқа.
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ. «Оила қадри».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.10-16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин». Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Каменская». Сериал.
21.25 «Вақт хазинасидан».
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.
22.35 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
22.45 «Жаҳон бўйлаб».
23.30 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги». Бадиий фильм.
1.10 «Ахборот» (рус тилида)
1.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Болалар ва катталар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Жигарбандим ёди». Бадиий фильм.
11.35 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Жиззах вилояти.
12.05 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
12.20 «Меҳр қолур».
12.40 ТВ клип.
12.50 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
13.10 «Саҳна ҳаёти».
13.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». А. Дадаев.
14.10 «Озод юрт одамлари».
14.30 Кундузги сеанс: «Вена почта маркаси». Бадиий фильм.
15.50 «Оламни асранг!»
16.10 ТВ анонс.
16.15 «Моҳият».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.35 «Нурли манзиллар».
18.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.20 «Тиббиёт одимлари».
18.35 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат оламида».
21.25 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.20 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
22.35 «Олтин бешик».
22.55 «Ахборот - дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.40 «Давр»-интервью.
9.55 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 «Эсмеральда». Телесериал.
10.40 Мезон.
11.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Доктор Финли». Телесериал.
13.00 Кўҳна оҳанглар.
13.10 Интерфутбол.
14.50 Саломат бўлинг.
15.10 «Кулгу қироли». Бадиий фильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Имкон» телеўйини.
17.40 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Жаҳон туризм кунига: «Хуш келибсиз!».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Давр» нигоҳи.
20.10 Азизим.
20.35 Ёшлик кўшиклари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ўнинчи қироллик». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.05 Давр.
00.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари
00.50-00.55 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Кўҳна дахма сири». 5-қисм.
17.45, 19.15, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.35 «Саодат калити».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Саломатлик маскани».
22.30 «Кинонигоҳ». «Бўйдоқ».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10-16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Вести».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Инсон ва қонун».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.40 Жулия Робертс «Ҳаёт сурури» фильмида.
22.40 «Дурдаршан».
23.05 Кинонинг олтин асри: «Икки шаҳар тарихи». Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Мусиқа бўстони».
10.25 «Ҳидоят сари».
10.45, 13.55 ТВ анонс.
10.50 «Олтин бешик».
11.10 «Ҳамкорлик ришталари».
11.35 «Мен ва онам». Халқаро болалар расмлари кўргазмаси.
12.00 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ўғирланмаган келин». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.30 «Барҳаёт наволар».
14.00 «Маърифат». Телеальманах.
14.20 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
14.35 «Ўғирланмаган келин». Бадиий фильм. 2-қисм.
«Адабий жараён».
16.05 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Мутолаа».
16.40 «Ягона оилада».
17.10 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
17.30 «Бугуннинг гапи».
17.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
«Болалар сайёраси»:
18.10 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
19.10 «Рангин дунё».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
21.40 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
21.55 Телевизион миниатюралар театри.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.15 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 2-фильм. 1-қисм.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Имкон» телеўйини.
9.40 «Қўшнилар». Мультфильм.
9.50 Болалар клуби.
10.10 Табобат оламида.
10.30 Мусиқий лаҳзалар.
10.40 «Эсмеральда». Телесериал.
11.10 Огоҳ.
11.25 «Давр» нигоҳи.
11.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.45 Ёшлар овози.
13.05 Вилоятлар ёш хонандалари куйлайди.
13.20 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм 4, 5 қисмлар.
15.00 Кутилмаган меҳмон.
15.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.00 Юлдузлар чеҳраси.
16.20 «Рамаяна». Телесериал.
16.55 Ҳукуқ ва бурч.
17.20 Очун.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
18.10 Футбол плюс.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-репортаж.
19.50 Кўҳна оҳанглар.
20.00 Бизнес-академия.
20.15 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
20.30 Ёшлик наволари.
20.50, 21.40, 22.35 Эълонлар
20.55 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 6-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотақдим.
23.10 «Унинчи қироллик». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.35-00.40 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 19.40, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.00 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.
21.20 «Спорт-клуб».
22.00 Кинонигоҳ. «Кема ҳалокатига учраганлар». 1-2-сериялар.
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 «Лаззат».
9.30 «Табиатшунос билан саёҳат».
10.00 «Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
10.35 «CFI янгиликлари».
10.45 «Мультсеанс».
11.10 «Инглиз тили Сиз учун».
11.35 «Олгин микрофон». Мусиқий дастур.
12.05 Болалар соати: «Руслан ва Людмила». Бадиий фильм. 2-қисм.
13.15-14.15 Дўстлик видеоканали: «Сахий хонадонда», «Бизнен мирас», «Умид».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Дисней клуб».
17.15 А. Пугачева, Ф. Киркоров, В. Леонтьев, Тото Кутуньо Юрмаладаги «Янги тўлқин» фестивалида. 1-қисм.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
Тунги канал: «Ҳали кеч эмас...»
20.25 Киносеанс: Николас Кейдж «Фаришталар шаҳри» фильмида.
22.10 «Шлягер».
22.25 «Икки ёқлама зарба».
22.40 «Эслайсизми».
22.50 «Муз zone».
23.05 «Яшаш воситаси».
23.20 «Моданинг гўзал дунёси».
23.35 «Хит парад».
23.50 «Бешинчи гилдирак».
00.05 «Тунги навбатчилик».
00.20 Киносеанс: Мел Гибсон «Ватанпарвар» фильмида.
2.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 Ака-ука Гримм эртаклари». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 15.25 ТВ анонс.
11.25 «Кўҳна замин оҳанглари».
11.50 XIV Осиё ўйинлари олдидан.
12.05 Телевизион миниатюралар театри.
12.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
13.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ёмғир одами». Бадиий фильм.
15.30 «Қалб гавҳари».
15.50 ТВ клип.
16.00 «Меҳрибон тулки». Мультфильм.
16.20 «Қорақалпоқнома».
16.40 «Портретга чизгилар».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.05 «Талабалик йилларим».
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Шийпондаги учрашувлар».
22.00 Теннис бўйича «Челленжер». Халқаро турнири.
«Якшанба кинозали»:
22.30 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 2-фильм. 2-қисм.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 «Куч нимада». Мультфильм.
9.30 «Давр»-репортаж.
9.40 Футбол плюс.
10.00 Очил дастурхон.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 Зинама-зина.
10.55 «Нокаут».
11.20 Аскар мактублари.
11.40 «Жоҳил қирол ва муҳаббат». Мультфильм.
13.00 Қорақалпоқ наволари.
13.20 Чемпион сирлари.
13.40 Азизим.
14.05 Кўҳна оҳанглар.
14.20 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.30 Спорт ҳафтаномаси.
15.45 «Рамаяна». Телесериал.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?», «Ўй вазифаси».
17.10 «Ўрмон чемпиони». Мультфильм.
17.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.10 Оҳанрабо.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 Кўҳна оҳанглар.
19.25 Синфдош.
19.45 Муҳаббат қўшиқлари.
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар
20.10 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-қисм.
21.00 «Заков

Ҳар биримизнинг бурчимиз

БАХТНИНГ ЎНДАН ТЎҚҚИЗИ

САЛОМАТЛИККА БОҒЛИҚ

Ҳеч бир халкнинг кудрати, обрў-эътибори унинг иқтисодий салоҳияти, бойликлари билангина ўлчанмайди. Балки, миллатнинг соғлигига, маънавий ва моддий салоҳиятига қараб унинг келажагига баҳо берилади. Чунки дунёда инсон учун энг азиз неъмат саломатликдир. Инсон жисмонан соғ бўлсагина барча ниятларига эришади. Шуни унитмаслик керакки, бахтнинг ўндан тўккиз улуши саломатликка боғлиқдир.

Инсон зоти табиатан мукаммал яратилган. Афсуски, одам боласининг ўзи, қолаверса, носоғлом муҳит бу мукаммалликни бузади. Нафс, кибр-ҳавога берилиш, жаҳолат инсоннинг саломатлигига путур етказиб, уни балоларга гирифтор этади. Шунингдек, айрим кишилар саёқ юришлари, ичкиликка ружу қўйишлари, тасодифий кўнгил хушликларга берилишлари туфайли венерик касалликларга йўликадилар.

Дерматологик хасталик, яъни тери-таносил касалликлари ҳамма даврларда ҳам инсоният учун ўта хавфли иллат бўлиб келган. Фан-техника юксак даражада юксалган, инсониятнинг маънавий қиёфаси мукаммаллашиб, тафаккур қудрати беиҳоя ривожланган XXI асрда ҳам бу дард аср вабоси сифатида жаҳон халқларини хавф-хатарга солиб келмоқда. Бу иллат нафақат кишиларнинг соғлигига путур етказади, балки жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, инсониятни маънан тубанлик ботқоғига етаклайди. Чунки, бу дардга ўз вақтида даво чоралари кўрилмаса, инсон меҳнат қобилиятини йўқотиб, ногирон бўлиб қолади. Бу хасталик ўта юқумли ҳисобланиб, соғлом кишилар ҳаётини ҳам хавф остига қўяди. Айтиш жоизки, бу борада мамлакатимизда «Соғлом авлод — соғлом жамият сари» шиори остида катта ишлар қилинмоқда.

Дунёдаги жуда кўп мамлакатларда аҳоли саломатлиги ва тарбия масаласи билан турли жамғармалар, катта-кичик нодавлат ташкилотлар шуғулланади. Бизда эса халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг бош йўналиши ҳам ана шу эзгу ишга қаратилган. Дерматогенелогик касалликларга қарши мамлакатимизда махсус диспансерлар, тиббиёт муассасалари мавжуд. Улар касалликларни юқтирган шахсни қидириб топиб, даволанишга мажбур қиладилар. Бу билан касалликнинг бошқаларга юқиш хавфи олди олинади.

Дерматология ва венерология илмий-текшириш институтимиз олимлари ҳам инсон камолоти, фан тараққиёти, миллат саломатлиги, бир сўз билан айтганда, баркамол авлодни тарбиялаш учун баҳоли қудрат хизмат қилишни ўз бурчлари, деб билмоқдалар. Бундан 70 йил муқаддам Туркистон ўлкаси врачлар қурилтойида тери касалликларини тадқиқ этадиган илмий марказ ташкил этилган эди. Ўша даврда унинг таркибида 30 ўринли тери касалликлари диспансери бўлиб, беш нафар врач хизмат қилган. Бугунги кунда унинг тармоқлари кенгайиб, улкан салоҳият ва қудратли илмий базани ўз ичига олган. Айни пайтда республикамизда 69 та диспансер, 279 та илмий методик кабинет, 55 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида дерматовенерология соҳасига эътибор кучайтирилди. Айни кунда республика миқёсида 886 нафар дерматовенерологик шифокорлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилмоқдалар. Уларнинг ичида академик олимлар, профессорлар, етук фан номзодлари бор. Шифокорларнинг қарийб 60 фоизи олий ва биринчи тоифали мутахассисларни ташкил этади.

Одамларга хавф солаётган касалликларни вақтида аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, қулай ва зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда малакали қадрлар тайёрлашга эришиш институтимиз илмий жамоатчилиги олдида турган долзарб вазифадир. Узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган ажойиб фидойи олимлар айни кунда соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб, илмий изланишларни олиб бормоқдалар. Шунингдек, улар илмга чанқоқ ёшларни соҳа ривожига сафарбар этиб, ёш олимлар сафини кенгайтирмоқдалар. Баркамол жамият барпо этиш йўлида улуғ ниятларини биргаликда, кенгашиб рўёбга чиқармоқдалар. Илмий кенгаш томонидан дермато-венерология соҳасига оид қўлланмалар, оммавий китоблар, илмий мақолалар чоп этилмоқда. Кейинги йилларда нашр этилган 900 та илмий мақола, 61 та методик қўлланма, 16 та тўпламлар шулар жумласидандир. Булардан ташқари заҳматкаш олимларимиз томонидан 15 та монография, тиббиёт институти талабалари учун махсус ўқув қўлланмаси яратилди. Шунингдек, институтимиз илмий жамоатчилиги жаҳондаги йирик институт ва илмий марказлар билан ҳам ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Олимларимиз ўз илмий маърузалари билан нуфузли халқаро анжуманларда иштирок этиб, ўзбек фанининг ютуқларини жаҳонга ёймоқдалар. Айниқса, Туркия (1994-1997й.й.), Ирландия (1997й.), Франция (1998й.), Женева (2000й.), Берлин (2001й.), Москва (2001й.) да ўтган жаҳон дермато-венералоглари халқаро конгрессларида институтимиз олимларининг қатнашганлиги фикримиз исботидир. Кейинги йилларда мамлакатимизда дерматовенерологларнинг иш услуби замонавийлашиб, жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди. Тиббиётнинг сўнгги ютуқлари асосида лабораториялар, диагностика марказлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Даволаш профилактика ишларининг асосий салмоғи амбулатория-поликлиника муассасаларига ўтказилди. Бунинг натижасида беш йил ичида ўринлар сони 19 фоизга қисқартирилиб, бактериологик ва серологик лабороториялар сони бир неча баробарга кўпайтирилди. Шунингдек, янги диагностик тестлар — полимераз занжирли реакция, иммунофермент анализ каби янгиликлар амалиётга киритилди. Бунинг натижасида заҳм касаллиги 42 фоизга камайди. Аммо соҳада амалга оширилаётган ишларнинг сифат ва салмоғи ортгани, янги замонавий тиббиёт технологиясининг кириб келишига қарамай бир қатор замонавий дермато-венерологик касалликлар ҳам одамлар саломатлигига хавф солаяпти. Бу олимларимиз олдига янада масъулият билан ишлашни, илмий изланишлар олиб боришни, янги дори-дармонлар яратишдек ўта нозик ишни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Саломатликни муҳофаза қилиш нафақат жамиятнинг, балки ҳар бир инсоннинг кундалик ишига, фаолият мезонига айланиши керак. Негаки, соғлом ва баркамол инсонлар соғлом жамиятни яратишга асос бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон онгли равишда ўзининг, фарзандининг, оиласининг соғломлигини таъминлаши орқали миллат генофондини ҳимоялаши мумкин эканлигини англаб етиши зарур. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин. Институтимиз олимлари бу борада халқ ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Айниқса, ёшлар ўртасида илмий маърузалар билан чиқиб, бу иллатнинг инсоният учун нақадар хавфли эканлигини жонли мисоллар билан тушунтирмоқдалар.

Фикр фикрга қувват бериб, яхшилик яхшиликдан куч олганидек, олимларимизнинг соғлом турмуш йўлидаги эзгу ишлари, интилишлари рўёбга чиқиб саломатлик халқимизнинг кундалик эҳтиёжига айланади ва мустақил Ўзбекистонимизда маънан баркамол инсонларнинг соғлом жамияти барпо этилади. Бу йўлда ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлаётган Ўзбекистон Дерматология ва венерология илмий текшириш институтининг заҳматкаш олимлари ва илмий жамоатчилиги ҳамиша халқимиз соғлигининг посбонлари бўлиб қоладилар.

Комилжон ЙЎЛДОШЕВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ибрат

АНДИЖОН СПОРТ МАКТАБИ

Жисмонан бақувват, руҳан соғлом, иймон-эътиқодли, билимдон ва мард ёшлар Ватанимиз эртаси, юртимиз фахридир.

Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси касаба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ қўмиталари билан ҳамжиҳатликда мактабларда спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. 298 та қўл тўпи, 4 та волейбол ҳамда 4 та футбол майдонлари, 10 та теннис корти ўқувчи-ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. 2001-2002 ўқув йили мобайнида таълим даргоҳларида 28 нафар спорт устаси, 103 нафар спорт усталигига номзод, 789 нафар биринчи даражали спортчилар тайёрланганлигининг ўзи вилоятимизда жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари нақадар ривож топиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, мамлакат терма жамоаси таркибида спортнинг кўплаб турлари бўйича 90 нафар андижонлик ўқувчиларнинг борлиги дилга қувонч ва ифтихор бағишлайди.

«Умид ниҳоллари» спорт беллашувларининг биринчи босқичида вилоятимиз мактабларидан 500 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этди. Қатнашчилар сони иккинчи босқичда 229616, учинчи босқичда 4598 нафарни ташкил этди.

Мусобақаларни ташкил этиш, транспорт хизматини йўлга қўйиш, иштирокчиларни бепул иссиқ овқат билан таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотларнинг мадади, айниқса, катта бўлди. Андижон шаҳри, Булоқбоши, Шаҳрихон, Олтинкўл туман ҳокимликлари, «Антекс» қўшма корхонасининг беминнат кўмаги барчани мамнун этди.

Мусобақаларнинг якунловчи республика босқичи Ватанимиз донғини бутун дунёга достон этувчи умидли ёшлар етишиб чиқаётганлигидан дарак берди. Стол тенниси бўйича Андижон шаҳар вакили Темур Ширие 2 та олтин, битта кумуш медални қўлга киритди. Енгил атлетикачи Ирина Мороз ўзининг чаққон ҳаракатлари билан ҳакамларнинг олқишини олди ҳамда битта олтин, битта бронза медали соҳиби бўлди. Умуман вилоятимиз спортчилари 13 та олтин, 22 та кумуш, 20 та бронза медаллари билан мукофотландилар.

Шу кунларда теннисчи ўқувчи ёшларимиз 2004 йилда Грециядa ўтказиладиган Олимпиада беллашувларига қизғин тайёргарлик кўраётирлар.

Ўктамжон ОХУНОВ,
Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

ЁШ РАССОМЛАР СУЗДАЛДА

Ҳиндистонда ўтказилган болалар чизган расмлар халқаро танловида юртдошларимиз ҳам қатнашган эдилар. Ўзбекистон Бадиий академиясининг тасвирий ва амалий санъати республика лицей-интернати ўқувчиси Нигора Мирсолиҳова ушбу йирик маданий тадбирнинг совриндори бўлди.

Умидли ёш рассом Россия Федерациясининг Суздал шаҳар - музейида ташкил этилган халқаро ижодий мактабига ҳам таклиф этилди. Унга лицей-интернатнинг яна бир ўқувчиси Фазлиддин Икромов ҳамроҳлик қилди.

Суздал шаҳридаги «Янги номлар» хайрия жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилган халқаро ижодий кўрикда республика лицей-интернат раҳбари Сами Содиқов «Маънавий бойлик ва ижодкор ёшлар» деган мавзуда чиқиш қилиб, Ўзбекистонда ёш истеъдодлар ижодий камолоти йўлида амалга оширилаётган ибратли ишларни гапириб берди.

ЯНГИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

Кейинги йилларда Тошкент вилояти аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш йўлида кўрилаётган тадбирлар яхши самаралар бермоқда. Жойларда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари сони ҳам анча ортди.

Хусусан Оққўрғон туманида очилган пунктлар Султон Сегизбоев ҳамда Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжаликларида тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини берди. Бундан ташқари «Қаҳрамон», «Озод» хўжаликларида олиб борилган қурилишлар ҳам саломатлик биноларини тиклаш мақсадида амалга оширилди.

Янги шифохоналар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

ҚИЗИҚИШ КАТТА

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида «Халқаро туризм» факультети ташкил топганидан сўнг 3-4 йил ичида унинг ўқув моддий-техник негизи мустаҳкамланди, халқаро алоқалари кенгайди.

Айниқса Украинанинг Донецк туристик бизнес институти билан ҳамкорлиги самарали бўлмоқда. Ушбу олий ўқув юртида ўтказилган малакали мутахассислар тайёрлашга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ишида факультет вакиллари ҳам фаол қатнашдилар.

Анжуман доирасида уюштирилган давра суҳбатларида вакилларимиз Ўзбекистонда сайёҳликнинг ривожланишида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг тутган ўрни ҳақида ҳам гапиришди. 2005-йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш борасида кўрилаётган тадбирлар натижалари иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

А.АЛИЕВ.

«АНОР» ЖАҲОН КЕЗАДИ

Қува туманидаги «Анор» ашула ва рақс халқ дастаси Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди.

Ижодий жамоа ўтган йили ўтказилган республика халқ ижодиёти кўрик-танловида олий ўринни қўлга киритган эди. Шунга кўра, жамоа Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро фестивалда иштирок этиб, ўзбек миллий рақс ва қўшиқчилик санъати дурдоналарини бир ҳафта давомида намойиш этиш ҳуқуқига эга бўлди.

«Анор» ашула ва рақс халқ дастаси хориж сафарига пухта тайёргарлик кўрди. Қувалик санъаткорлар халқаро фестивалда ўзбек миллий қуй-қўшиқ ҳамда рақслари билан бирга Шарқ ва Европа халқлари санъатидан ҳам намуналар ижро этади.

- Жамоамиз дунёнинг кўплаб давлатларида бўлиб, миллий санъатимизни намойиш этиб келмоқда, - дейди бадиий раҳбар Мухторжон Тешабоев. - Ҳозирга қадар Болгария, Туркия, Белгия, Голландия, Афғонистон, Миср Араб Республикаси, Белоруссия, Россия мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарларда бўлдик. Халқимизнинг миллий ашула ва рақс санъати дурдоналарини дунёга танитишга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

(ЎзА).

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига

КЕШ ОСМОНИДА ҲУМО ҚУШ

Жаҳон тарихи ва маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутган қадимий Кеш қутлуғ тантанага ҳозирлик кўрмоқда. Ҳадемай, у ўзининг 2700 йиллигини нишонлайди.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган яшил шаҳарнинг довруғи азалдан оламга машҳур. Турон юртининг олтин белбоғи бўлган бу йўллардан Шарқу Ғарбга тинимсиз карвонлар қатнаган.

Ўзининг бетакрор табиати, тоғлари ва сўлим боғлари, шишаранг булоқлари, моддий-маънавий салоҳияти, ориятли ва фидойи инсонлари билан дунёга маълум Шаҳрисабзда буюк жаҳонгир Амир Темурдек улуғ зот камол топган.

Тариҳимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлиги Оқсарой, Дорут тиловат, Дорусаодат мажмуалари дунёнинг етти мўъжизалари билан тенглашади. Чорсу савдо маркази, Чубин мадрасаси, Сангиртепа, Узунқир ёдгорликлари олис мозийдан дарак бериб турибди. Ўтмишда «Илму-адаб қуббаси» номини олган шаҳар истиқлол йилларида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий юксалишга эришди.

Соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик юбилейи, шаҳарга «Амир Темур» орденининг топширилиши ва буюк жаҳонгир ҳайкалининг очилиши воҳа аҳли қалбига ўзгача ғурур ва шижоат бағишлади.

Юртбошимиз қутлуғ юбилей кунларида алоҳида таъкидлаганларидек,«Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуғ боболарига хос гўзал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар».

Амир Темур ва темурийлар даврини ўрганиш жараёнида Шаҳрисабз ёшини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институтининг ва Ўзбекистон миллий университетининг таниқли олимлари чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб боришди. Ўтказилган қазишмалар чоғида бир қанча топилмалар аниқланди. Франция, Англия, Шотландия ва АҚШ археологлари юртимиз тадқиқотчилари билан ҳамкорликда Шўробсой бўйидаги Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликларини синчиклаб ўргандилар. Бу манзилгоҳлар милоддан аввалги X-IX асрларда мавжуд бўлганлиги яна бир карра тасдиғини топди.

Шаҳар милоддан илгари VIII-VII асрларда 3 гектарлик майдонни эгаллаган ва кейинчалик ҳудуди кенгайган. Қадимий Кешнинг ўрни Узунқир қалъаси вилоят маркази ҳисобланган. Кўп йиллик археологик қидирув ишлари туфайли шаҳарнинг ёши 2700 йилга тенглиги исботланди ва мамлакатимиздаги Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидан сўнг тўртинчи бўлиб, ЮНЕСКО ҳимоясига олинди. Шаҳардаги 14 та обида ва шаҳарнинг тарихий маркази ЮНЕСКО умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди.

— Шонли юбилейга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда, - дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Шомурод Ражабов. - Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва обидаларни таъмирлаш давом этмоқда. XIX асрда қурилган Малик Аждар мачити, XV асрда бунёд этилган Чорсу мажмуаси, XV аср ёдгорлиги Каба карвонсаройи таъмирдан чиқарилди.

Амир Темур хиёбонини реконструкция қилишга 550 миллион сўм ажратилган. Хиёбон йўлакларига 32 минг квадрат метр кичик ҳажмли бетон ғиштлар ётқизилди. Суғориш, ёритиш тизимлари таъмирланди. 8 километр оқова сув қувурлари қурилди. Шаҳрисабз аэропортидан болалар шифохонасигача бўлган 3,5 километр масофага юқори босимли газ қувури ётқизилди. Автошоҳбекат, маданият саройи, «Интурист» меҳмонхонаси, Китоб темир йўл шоҳбекати янги меъморий қиёфага эга бўлди. Шаҳар атрофида 8 километрли айланма йўл, «Қариялар чойхонаси», савдо ва маиший хизмат мажмуи, «Турон» ресторани барпо этилди.

Шаҳрисабз нафақат қишлоқ хўжалиги, вилоятдаги йирик саноат марказидир. Консерва, шароб, пиллакашлик каби корхоналар ишлаб турибди. Чет эл инвестициялари асосида 8 та қўшма корхона ташкил этилди. «Меваларкамалаги» Ўзбекистон, Британия, «Шахриинтернейшнл» Ўзбекистон - Америка, жаҳон бозорига 4800 тонна юқори сифатли ип-калава ва трикотаж буюмлари чиқара оладиган Ўзбекистон - Туркия ва Япония ишбилармонлари ҳамкорлигида қурилган «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Бир йилда 150 минг тонна донни қайта ишлаш қувватига эга «Дон ризқ-рўзимиз» қўшма корхонаси ишга туширилди.

Аҳолига тиббий, маданий, маърифий хизмат кўрсатиш тизими тубдан ислоҳ қилинятпи: Сарчашма, Кўл, Мўминобод қишлоқларида замонавий мактаблар, Ҳазора, Хўжахуросон, Қиёмшайх, «Оқ олтин», Полмон, Қорапойча қишлоқларида янги врачлик пунктлари қуриб, фойдаланишга топширилди. Туманда 1700 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шаҳардаги Амир Темур номли музейга 1996 йилда асос солинган. Ҳозир бу ерда Амир Темур ва темурийлар даври, қадимги тарих, этнография ва илмий-маърифий бўлимлар бўлиб, қидирув ва тадқиқот ишлари натижасида 17 мингга яқин осори атиқалар тўпланган. Айниқса, милоддан аввалги минг йиллик бошларига оид тош буюмлар, сопол идишлар, бронзадан ишланган камон ўқлари, зардўштийларга доир сопол тобутлар, ҳайкалчалар, идишлар, қадимги ва ўрта асрларда ишлаб чиқарилган тангалар мавжуд. Айниқса, музейда сақланаётган гугурт қутиси, митти Қуръон китобчаси эътиборингизни ўзига тортади.

Қадимий обидаларни таъмирлашда Бухоро, Хива, Қўқон, Самарқанд, Чуст, Тошкент шаҳарларидан келган 100 дан ортиқ усталар қатнашмоқдалар. «Мерос» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул меъморлари ва рассомлари ҳар бир юмушни тез ва соз амалга оширишаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» ги қарори асосида ҳақиқий тарихимизни тиклаш ва ўрганиш, неча минг йиллик қадриятларимизни қарор топтириш, қадимий Кеш шаҳрини, азиз авлиёлар қадамжоларини, тарихий ёдгорликларни обод қилиш тадбирлари қизғин олиб борилаяпти.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.35

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 819. 1 2 3 4 5 6